# Qishloq HAYOTI

2003 YIL 25 NOYABR, SESHANBA

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№144 (6.669). Sotuvda erkin narxda


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*ИСЛОМ КАРИМОВ Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Сизни Америка халқи номидан Рамазон ҳайити муносабати билан муборакбод этаман.

Бутун жаҳон мусулмонлари учун муҳим бўлган ушбу айёмда биз Ўзбекистон фуқароларига энг эзгу ниятларимизни йўллаймиз.

Рамазон бошланиши муносабати билан ёзган мактубингизда, Сиз келгуси йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши барча соҳалар бўйича кенг миқёс касб этишига умид қилишингизни билдирган эдингиз. Мен ҳам шундай умиддаман.

Самимият ила,

**Жорж Буш, Америка Қўшма Штатлари Президенти**

***

**Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари номига Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Хотамий, Малайзия Подшоҳи Туанку Сайед Сиражуддин Путра Жамалуллайл Янг Ди-Пертуан Агонг XII, Мальдив Республикаси Президенти Маъмун Абдул Қайюм, Бангладеш Халқ Республикаси Президенти Иажуддин Аҳмадлардан табрик телеграммалари келди.**

# ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ БОЛГАРИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ

## ПРЕЗИДЕНТ БОЛГАРИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 ноябрь куни давлат ташрифи билан Болгарияга жўнаб кетди.***

- Ўзбекистон билан Болгария ўртасидаги алоқалар ўзаро ҳурмат ва ишонч руҳида ривожланмоқда, - деди давлатимиз раҳбари Софияга жўнаб кетиш олдидан Тошкент аэропортида журналистларга берган интервьюсида. - Дўстона муносабатларимиз халқларимиз бошига қийин кунлар тушганда, айниқса, яққол намоён бўлган. Хусусан, ўтган асрда Тошкентда содир бўлган зилзила оқибатларини тугатишда Болгария ҳам яқиндан ёрдам берган эди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий ва ижтимоий муносабатлар ҳам ана шу дўстона ишонч руҳида тараққий этмоқда. Бир сўз билан айтганда, алоқаларимизни ривожлантиришда сиёсий жиҳатдан муаммо йўқ.

Бироқ, бизни сўнгги пайтда иқтисодий алоқаларимиз анча сустлаша бошлагани ташвишга солаётир. Ўтган йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробарга камайиб кетгани кузатилди. Ўзбекистонда ҳам, Болгарияда ҳам экспортбоп маҳсулотлар кўп. Аммо бу борада икки мамлакат ишбилармонлари етарли тасаввурга эга эмаслиги ва бозорни яхши ўрганишга жиддий эътибор бермаётгани иқтисодий алоқаларимизни кенгайтиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Холбуки, мазкур алоқаларни ривожлантиришга икки томонда ҳам қизиқиш катта.

Болгарияга ташрифимиз давомида Президент Георги Парванов ҳамда ҳукумат ва парламент раҳбарлари билан музокаралар ўтказиб, мазкур масалаларни атрофлича муҳокама этамиз, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим қидирамиз. Икки давлат ўртасида турли соҳада ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришни кўзда тутувчи ўн бешга яқин ҳужжат имзоланиши режалаштирилган. Улар орасида солиқ, транспорт, божхона соҳаларига оид бир қанча муҳим ҳужжатлар бор.

Болгария коммуникация нуқтаи назаридан ҳам бизга яхши шерик бўла олади. Ташрифимиз давомида Бургас шаҳрида Болгария транспорти салоҳиятининг тақдимоти режалаштирилган. Унда мамлакатларимиз ўртасида коммуникация соҳасидаги алоқалар масаласи муҳокама этилади. Шунингдек, Ўзбекистон билан Болгария халқаро ТРАСЕКА лойиҳаси доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиш истиқболига эга.

Сўнгги йиллари Болгария Европа Иттифоқи ва Шимолий Альянсга интеграциялашув йўлида муҳим қадамлар ташлади. 2004 йили у Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотига (ЕХҲТ) раислик қилади. Яқинда эса НАТОга қабул қилинади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Ўзбекистон билан Болгария ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришдан манфаатдор.

**Саидмурод РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**



***(София, 24 ноябр. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.) Ўзбекистонлик олий мартабали меҳмоннинг давлат ташрифи муносабати билан Болгария пойтахти аэропорти, кўча ва ҳиёбонлари икки мамлакат байроқлари билан безатилди. София марказидаги «Авлиё Александр Невский» майдонида фахрий қоровул саф тортди.***

Майдонга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Болгария Президенти Георги Парванов кириб келади. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янграйди. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтади.

Шу тариқа мамлакатимиз раҳбарининг Болгария Республикасига давлат ташрифи бошланди.

Президентларнинг юзма-юз суҳбатидан олдин Ўзбекистон Президенти хайрли ишга қўл урди - Номаълум аскар қабрига гул қўйиб, Болгариянинг озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этганлар хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Ўзбекистон ва Болгария раҳбарларининг мулоқоти давомида икки томонлама муносабатларга оид барча долзарб масалалар кўриб чиқилди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичи сиёсий жабҳада жадал ривожланаётганини, лекин савдо-иқтисодий алоқалар борасида қониқарсиз эканлигини таъкидлаб, ишбилармон доиралар вакиллари учун кенг имкониятлар яратиб беришга оид масалани муҳокама қилди. Савдо-иқтисодий ва илмий техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Болгария ҳукуматлараро комиссиясининг ташриф арафасида ўтган сессияси якунларини кўриб чиқди.

Суҳбат чоғида транспорт коммуникациялари ва сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор берилди.

Халқаро миқёсдаги муаммолар орасидан террорчилик ва экстремизм, наркотик моддалар ва қурол-яроғнинг ғайриқонуний савдоси президентларнинг диққат-марказида бўлди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида Ўзбекистон-Болгария муносабатларини сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-маърифий ва илмий-техникавий йўналишларда кенгайтиришга доир талай масалалар муҳокама қилинди. Бунда, айниқса, иқтисодий соҳага алоҳида эътибор қаратилар экан, товарлар ва хизматларнинг нархи ёки икки мамлакатнинг ўртасидаги масофанинг нисбатан узоқлиги эмас, кўпроқ ҳуқуқий асоснинг етарли даражада такомиллаштирилмагани асосий тўсиқ бўлаётгани қайд қилинди.

Музокарада эришилган натижалар ҳақида унинг якунида имзоланган ҳужжатлар тўлиқ тасаввур беради. Ўзбекистон ва Болгария ҳукуматлари ўртасида Даромад ва мулкка икки томонлама солиқ солишдан қочиш тўғрисидаги битим, Ветеринар-санитария конвенцияси, Темир йўл транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Халқаро алмашлаб юк ташиш тўғрисидаги битим, Ноқонуний яшаб юрган шахсларни қайта қабул қилиш тўғрисидаги битим ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Анжуманда томонлар музокаралардан тўла қониқиш ҳосил қилгани таъкидланди.

Оқшом Ўзбекистон Республикаси Президенти шарафига Болгария Республикаси Президенти номидан расмий қабул маросими уюштирилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болгарияга давлат ташрифи давом этмоқда.

**СУРАТДА: ташрифдан лавҳа.**
**Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган сурат.**

### КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 ноябр куни Оқсаройда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) амалдаги раисининг Марказий Осиё бўйича шахсий вакили Мартти Ахтисаарини қабул қилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги 2003 йил 20 ноябр куни Истамбул шаҳрида (Туркия) содир этилган террорчилик ҳаракати муносабати билан Баёнот эълон қилди.**

**● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Рамазон Ҳайитини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Қарорга биноан шу йилнинг 25 ноябри дам олиш куни деб белгиланди.**

**● Ўзбекистон Конституцияси куни арафасида Халқаро «Экосан» экология ва саломатлик жамғармаси ташаббуси билан мамлакатимиз бўйлаб «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларни ҳаётга татбиқ этишда жамоатчиликнинг роли» мавзуида туркум учрашувлар ўтказилмоқда. Маҳалла фаоллари иштирокидаги биринчи учрашув пойтахтдаги Юнусобод тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди.**

**● Андижон давлат педагогика институтида Франция тарихи ва маданиятига бағишланган икки кунлик семинар бўлиб ўтди.**

**● Пойтахтдаги «Гранд Орзу» меҳмонхонасида Марказий Осиёда ишбилармон доиралар учун маслаҳатлар дастурининг «BAS» /Business Advisory Services/ Швейцария томонидан молиялана бошланишига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

**● Америка халқаро таълим кенгаши - АКСЕЛСнинг юртимизда фаолият юрита бошлаганига ўн йил тўлди. Республика таълим марказида шу муносабат билан ўтказилган учрашувда малакали мутахассисларнинг билим ва тажрибасини янада оширишда халқаро таълим муассасаларининг муҳим ўрни борлиги таъкидланди.**

**● Фарғона шаҳрида болалар ва ўсмирлар бадиий гимнастика спорт мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди.**

# ҲАЗОРНУРДАН ТАРАЛГАН НУР

**АБДУЛХОЛИҚ ҒИЖДУВОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 900 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

***Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳоки мангу осойиш топган маскандамиз. Бу ердаги улуғвор сокинлик, файз кўнгилга ажиб бир сурур бахш этади, хотиржам тортади, фикр тиниқлашади. Ўзингизни енгил ҳис этасиз. Ўткинчи дунё ташвишларидан бир лаҳза холи бўласиз.***

Мана, Мирзо Улуғбек қурдирган кўркам мадраса, мўъжаз минора, салнарида шарқона усулда тикланган масжид, мармар зинапояли ҳовуз, 7,5 гектарни эгаллаган боғ-ҳиёбон – буларнинг бари бир-бирига уйғунлашиб шундай гўзал, яхлит манзара ҳосил қилганки, айтмоққа тил, ёзмоққа қалам ожиз. Ҳолбуки, бундан беш-олти ой муқаддам бу ерда сершовқин ва гавжум бозор жойлашган бўлиб, зиёратчилар учун ҳийла ноқулайлик туғилар, муқаддас қадамжонинг шундоқ олдида ўткинчи дунё ташвишлари ҳукмрон эди. Бугина эмас, зиёратгоҳдаги осори атиқалар ҳам таъмирталаб бўлиб қолган, кунчиқар томонга қараб барпо этилган мадраса ўз жозибасини йўқотган каби таассурот қолдирар эди.

Сирасини айтганда, Буюк Ипак йўли бўйидаги қадимий Ғиждувон шаҳри жуда кўп тарихий воқеаларнинг шоҳидидир. Унга Мирзо Улуғбекдек буюк мутафаккир ва шоҳ назари тушганининг ўзиёқ жуда кўп нарсадан далолат беради.

Ёш тадқиқотчи олима Мавлуда Раҳмонованинг бизга билдиришича, шўро даврида бу ердаги маҳалла оқсоқоллари зиёратгоҳнинг хароб этилганидан изтиробга тушиб, туман ижроия қўмитасига мурожаат этишган. Уларнинг ҳақли эътирозлари сабаб ижроия қўмита 1970 йилнинг 17 апрелида эшаксаройни бошқа жойга кўчириш ҳақида қарор қабул қилади.

-Шу ерда туғилиб ўсганман, - дея эслайди Нозима опа Ҳусенова. – Ота-боболаримиз бу ерни Ҳазорнур мавзеси деб аташарди. Илгари бу жой чиндан ҳам ташландиқ, хароб бир ҳолга келиб қолганди. Қабристоннинг бир четида "домбит" деган идоранинг кир ювадиган жойи бўлганини яхши эслайман. Шўролар тузуми давридаги тазйиқларга қарамай, зиёратга яширинча келиб кетардик. Юртбошимизга, бунёдкор элимизга раҳмат. Хўжаи Жаҳондаги ўзгаришларни кўриб беҳад хурсандмиз. Ҳозир Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳикматларини ўқиб, ёд олаётган, у киши ҳаёти ҳақида иншолар битаётган невараларимга, жажжи ўғил-қизларга боқиб, ҳазрат қабрларини зиёрат этиш учун яширинча, қўрқа-писа келган дамларим ёдга тушади. Минг қатла шукрки, шундай дориломон кунларни кўриш насиб этди.

Хўш, Абдулхолиқ Ғиждувоний илгари сурган ғоялар нега йиллар синовига дош бериб, юракларда муҳрланиб қолди? Ҳазрат таълимотининг боқийлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

-Ориф Ревгарийнинг "Орифнома" асарида Абдулхолиқ Ғиждувоний ҳазратларига "Дину дунё шайхи" дея таъриф берилган, - дейди фалсафа фанлари доктори Г.Наврўзова. – Бу ҳазратнинг дин ва дунё ишларида устоз мартабасига кўтарилганликларини билдиради. Ушбу таъриф бир томондан у кишининг шайхлик даражасига етганини кўрсатса, иккинчи томондан таълимотлари ҳам дунёвий, ҳам диний эканлигини ва у икки дунё саодатига етаклашини англатади.

Бу шунчаки илмий хулоса ёки мавриди келганда айтилган гап эмас. Ғиждувонда бўлган киши бошқа туманлардан яққол ажралиб турган ўзига хос жиҳатларни пайқамай, ҳис этмай қолмайди.

-Ғиждувонда тадбиркорлик азалазалдан ривожланган, - дейди туман ҳокими Толиб Қудратов. – Ҳунармандлар кўп. Республикамиздаги энг арзон бозор ҳам Ғиждувонда десак, хато қилмаймиз.

Ҳоким гап орасида "ғиждувонча феномен" деган иборани ишлатди. Ҳа, бугун ғиждувонликларга хос тадбиркорлик, эпчиллик каби ноёб фазилатлар эл-юрт тўкинлигига хизмат қилаяпти. Бу ерда эрта-ю кеч ҳаёт қайнамоқда. Ҳазрат Абдулхолиқ Ғиждувоний руҳини шод этиш, қадриятларга ихлос ва эътиқод меваси эмасми бу?!

...Тасаввуримизда яна шаҳар қиёфаси жонланади. Обод кўчалар, кенг ва равон йўллар, узукка кўз қўйгандек ярашиб тушган ёшлар спорт маркази, Ибн Сино номидаги янги хиёбон, четга кўчирилган пахта тозалаш корхонаси ўрнида қурилаётган 12 гектарлик бозор ва ниҳоят ҳазратнинг шогирдлари Сўфи Чўян ва Хўжа Лангар Ато қабристонларининг обод этилиши – булар Абдулхолиқ Ғиждувоний хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром намунасидир. Улар қошига буткул қайтадан обод этилган Баҳоуддин Нақшбанд, Мири Кулол, Хўжа Ориф Ревгарий, Хўжа Али Ромитаний зиёратгоҳларини, "Бухоро – Тошкент" магистрал йўли ёқасидаги гулзорларни қўшсак, жони жонимизга туташ Ватаннинг бир фарзанди шарофати шунчалик бўларда, деган фикрга келасиз.

Ҳа, кўҳна Ғиждувоннинг Ҳазорнуридан таралган нурдан авлодлар бир умр баҳраманд бўлажак!

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"**
**мухбирлари.**

# РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм!

Азиз юртдошлар, Сизларни Рамазон ҳайити муносабати билан чин қалбдан муборакбод этаман. Ушбу қутлуғ байрамнинг файзу баракоти қалбларимиз ва хонадонларимизни мунаввар айласин.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсинким, муборак Ийди Рамазонни элу юртимизда тинчлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, ҳиммат ва саховат каби анъаналаримиз тобора мустаҳкам қарор топаётган бир шароитда кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллик байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши диёримиз мусулмонлари ҳаётида муҳим тарихий воқеа, эл кўнглидаги айни муддао бўлди.

Мазкур қарор диний билим юртларининг битирувчиларига бериладиган дипломлар давлат таълим ҳужжати сифатида эътироф этилишини таъминлайди. Эндиликда диний ташкилотлар коммунал хизмат учун тўловларни ишлаб чиқарувчи ташкилот сифатида эмас, балки аҳолидан олинадиган миқдорда тўламоқдалар. Бундан тежалган маблағ ҳамда маданий мерос сифатида давлат рўйхатига олинган зиёратгоҳ ва ушбу қарор билан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфига фойдаланиш учун берилган қатор диний обидалардан тушадиган хайрия маблағлари масжид-мадрасаларни таъмирлаш, диний таълим тизимини такомиллаштириш, имом-хатиб ва мударрислар меҳнатини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Юртимиз мўмин-мусулмонлари манфаатини кўзлаб қабул қилинган мазкур тарихий қарор уламо ва имом-хатибларимизни ўз зиммаларидаги шарафли вазифани сидқидилдан бажариш, ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказиш, халқимиз, айниқса, ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремизм хатаридан асраш йўлида астойдил ҳаракат қилишга ундамоқда.

(Давоми 2-бетда)

**МУАММО**

# МИҚДОР ВА МЕЪЁР

***Сув. Бугун бу ҳақда гап кетгудек бўлса, албатта унинг истеъмолдаги сарфи борасида ҳам жиддийроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.***

Табиатдаги ҳар бир нарсанинг интиҳоси, меъёри бўлгани каби сувнинг ҳам ўзига яраша чекланган миқдори мавжуд. Ана шу меъёр бузилса, жабрини ким тортади? Албатта, аввало инсоннинг ўзи. Очиғи, шундай бўлаяпти ҳам. Йўқса, сув муаммоси бугунга келиб бутун дунё аҳли олдида турган долзарб масалалардан бирига айланмасди, ёхуд юмалоқ стол атрофига йиғилиб олиб, масаланинг ижобий ечими ҳақида бош қотираётган олимларнинг пешонаси тиришмасди.

(Давоми 2-бетда)


Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144


**БЕШИНЧИ ҚАВАТДА БЕШ ДАҚИҚА СУҲБАТ**

# МЕҲР ТОШНИ ҲАМ ЭРИТАДИ

Эл эътиборига сазовор бўлаётган қизиқчи Худойберди Зиёдов бугун таҳририятимиз меҳмони.

**-Худойберди ака, бизнинг анъанавий саволимиз: "беш" рақамига муносабатингизни билдирсангиз...**

-"Беш" рақамига муносабатим "аъло". Кишилар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашганда ҳам "ишинг бешми?", дейишади. Беш кунлик дунёда умргузаронлик қилаяпмиз. Беш вақт намозимиз бор. Қўл-у оёқларимиздаги бармоқлар ҳам бештадан. Ёшлигимиздан доим "5" баҳо олишга тиришиб келганмиз. Бу рақамни мен одамнинг тақдирига аралашадиган рақам, деб ўйлайман.

(Давоми 4-бетда)

# НУСРАТ ОРДЕНДОР

**РОМАНДАН ПАРЧА**

*(Давоми. Боши ўтган сонда)*

***Ахир, шу ерда Қурия ватанпарварларининг қаҳрамонларча кураши намуна қилиб кўрсатилганда тракторчиларнинг бир ғайратига ўн ғайрат қўшилмасмиди? Йўқ, бу ишни шундай қўйиб бўлмайди. Ўртоқ Сталин бизни бошқача ишлашга ўргатган. Эртагаёқ, ўзим далага чиқиб, тракторчилар ҳузурида шу мавзуда озгина ташвиқот олиб бораман. Сиз нима дейсиз?***

"Оббо, мен нима ўйда-ю, қўбизим не деб сайрайди?" – дилидан ўтказди Кабир ва ғаши қўзиганича исқирт тўшак четига омочўнқайди. Натгина "Лекторлик" фаолиятини "вақтинча" тўхтатиш таклифини эшитиб, Нусрат бир сапчиб тушди.

-Нима?! – дея чинқирди у. – Ишчи-деҳқонлар орасида олиб бораётган ташвиқот-тарғибот ишларим кимга ёқмай қолибди? Троцкийнинг малайларигами? Миллатчи-оғмачиларгами?! Ё Америка империалистларининг биздаги, - Нусрат шубҳали бир назар билан Кабирга ўқрайди, - махсус жосусларигами?!

Бу гаплардан ранг-қути ўчиб кетган Кабир зудлик билан қоровулхонани тарк этишни маъқул топди.

-Гап уқтириб бўлмайди, - деди у эртаси котибга, - ё милисага айтиб...

-Милицияни аралаштирманг! – деди котиб қўнғиз мўйловини силаб, - бошқа йўл топинг! Ахир у лекторлар кенгашига борса шарманда бўламиз!

Икки кундан кейин Нусратнинг қоровулхонасига аллақандай кишилар келиб, у билан бироз гаплашгандай бўлишди. Сўнг машинага босиб олиб кетишди.

(Давоми 4-бетда)


**КЕЛГУСИ СОНДА:** САВИЯСИ "СОЯ"ДА ҚОЛГАН ҚЎШИҚЛАР | ДАРЁГА АЙЛАНАЁТГАН ИРМОҚЛАР | ИШ БЕРГАН "УСУЛ"

ХУШХАБАРЛАР

## НАВБАҲОР - БИРИНЧИ

***Навбаҳорликлар мамлакат хирмонига 26660 тонна пахта топшириб, Навоий вилоятида биринчи бўлиб йиллик шартномани уддаладилар. Ҳосилдорлик гектар бошига 28,3 центнерни ташкил этди. "Бухоро-6", "АН-Боёвут" навлари ўзининг мўъжизасини кўрсатди.***

Катта хирмонга "Янгикўрғон", "Истиқлол", Навоий номли, Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари муносиб улуш қўшди.

Даромад қандай бўлди дерсиз? Шижоатли пахтакорлар бу йил ҳар гектар пахта майдонига 356 минг сўм харажат қилиб, ундан 585 минг сўмлик даромад кўтардилар. Ҳар гектар пахтазордан олинган соф фойда 229 минг сўмни ташкил этди.

## ЭНГ МУҲИМИ ФОЙДА

***Изланиш, интилиш Қизилтепада ҳам ўз самарасини берди. 9330 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 28,1 центнердан ҳосил етиштирилиб, 26240 тонналик шартнома ошиғи билан бажарилди.***

Мавсум маҳали "Деҳқонобод", "Ўзбекистон", Навоий номли, "Меҳнат-роҳат", "Тошработ", "Зарметан" ширкат хўжаликлари уюшқоқлик намунасини кўрсатишди.

Ҳукуматимиз томонидан пахта харид нархининг оширилганлиги туфайли туман пахтакорларининг ўтган йилга нисбатан оладиган даромади икки бараварга кўпайди. Соф фойда 1,2 миллиард сўмдан ошди.

## ФЕРМЕРЛАР УЛУШИ КАТТА

***-Туманда пахта тайёрлаш шартнома режасининг уддаланишида бизнинг ҳам улушимиз бор, - дейди Навоий туманидаги Раҳим Исмоилов номли фермер хўжалигининг соҳиби Муҳаммадали Исмоилов.***

– 175 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан, жами 593 тонна "оқ олтин" териб олдик. Маҳсулот сифати эса ўтган йилгидан икки карра яхши

Бундай илғор фермерлар туманда ягона эмас. "Илғор", "Шаҳзод-2000, "Сардор", "Муҳаммад-Беҳзод", "Лочин" каби фермер хўжаликлари далаларида пахта ҳосилдорлиги юқори бўлди. Туман бўйича эса давлатга 22 минг тонна пахта сотилди. Ҳосилнинг 80 фоизи 1 нав. Бир тонна юқори навли пахта учун тайёрлов идораси 230 минг сўмдан ҳақ тўлашини инобатга оладиган бўлсак, туман деҳқонлари нечоғлик фойда кўришини сарҳисоб қилиш қийин эмас. Айни чоғда навоийликлар ҳам келгуси йил ташвишлари – кузги-қишки дала юмушлари билан банд.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БИЛАК ШИЖОАТИ, ЮРАК САХОВАТИ

ЗАМОНДОШ БИЛАН ЮЗМА - ЮЗ

***Тадбиркорлик, бунёдкорлик инсоннинг энг зарур фазилатлари сифатида улуғланиб келинган. Унинг яратувчилик қудрати туфайли дунёда қанча-қанча маданий, тарихий ёдгорликлар қад ростлаган.***

Гўзал ва муҳташам шаҳарлар, обидалар, ҳамма-ҳаммаси қўли гул меъморлар, бунёдкорларнинг меҳнатлари туфайли тикланган.



Ўзбекистонимиздаги Самарқанду Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Қўқон ва бошқа шаҳарлардаги бебаҳо тарихий ва маданий обидалар ана шундай юксак дид билан яратилган асл дурдоналардир. Уларнинг барчаси қалбида қуёш чақнаган, яратувчилик ишқи билан ёниб яшаган меъмору муҳандислар қўлида сайқал топган.

Бунёдкорлик ҳақида гап кетар экан, соҳибқирон Амир Темурни алоҳида тилга олиш жоиз. У қурдирган обидалар неча-неча асрлардан буён кўкка бўй чўзиб, ҳаммани ўзига мафтун этиб келаяпти. Улар ўзига хос санъат асари сифатида тарихда муҳрланиб қолганлиги билан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бобокалонимиз ҳарбий соҳа билимдони бўлиш билан биргаликда бошқа жабҳаларда ҳам катта салоҳият соҳиби бўлганлигига унинг "Тузуклар"ига кирган қуйидаги сўзлар ҳам гувоҳлик беради: "Тажрибамдан кўрдимки, ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир. Чунки тажрибали бир киши минг кишига иш буюради". Буюк соҳибқироннинг бу сўзларини келтиришимиздан мақсад бугунги кунга келиб тадбиркор, ишбилармонга ҳар қачонгидан ҳам катта эътибор берилмоқда. Президентимиз саъй-ҳаракати билан ҳар йили "Ташаббус" кўрик-танлови ўтказилаётганлиги ҳам фикримизнинг далилидир.

Мамлакатимиз иқтисодиёти, тараққиётига муносиб улуш қўшаётган тадбиркорлар ҳақида сўз борар экан, деновлик Баҳромжон Дилов олдинги сафда бораётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур. У 1991 йили Самарқанд кооператив институтининг иқтисод факультетини тамомлаб, меҳнат фаолиятини Денов туман тайёрлов идорасида иқтисодчиликдан бошлаган. Кейин шу идорада молшунос, директор вазифаларида ишлади. 1995 йилдан буён эса тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Ўша йили "Баҳриддин" фермер хўжалигини ташкил этди. Тумандаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудидан 50 гектар ер олиб, эски, қаровсиз ҳолда ётган чорвачилик фермасини хусусийлаштирди. Ўшанда бор-йўғи 140 бош шартли қорамол мавжуд эди. Ўтган йиллар фермер учун синов даври бўлди. Дастлаб оила аъзоларини, сўнг бошқаларни ишга жалб этди. Қийналганида жамоага таянди. Қарабсизки, қисқа вақт ичида муваффақиятлар юз кўрсата бошлади. Биргина 2002 йил натижаларига назар ташласак, бу жамоанинг қанчалар бақувватлигига ишонч ҳосил қиламиз: 30 гектар ерда ғалла етиштирилиб, ҳосилдорлик 92 центнердан оширилди. Биргина шу тармоқдан ўн беш миллион сўм даромад қилинди. Бундан ташқари чорвага етарли даражада озуқа жамғарилди. 2002 йили минг бошга яқин қорамол боқилиб, 250 тоннадан ошиқ гўшт, 230 тонна сут сотилди. Фермер хўжалигида бўрдоқига боқилган айрим қорамолларни тарозига қўйсангиз, бир тоннагача юк босади. Бундай натижага эришишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун зооветеринария қоидаларига риоя этиш, чорвани рацион асосида боқиш талаб этилади. Мана шу ишлар қойилмақом қилиб уддаланаётганлиги туфайли "Баҳриддин" фермер хўжалиги 2002 йили 128 миллион сўм даромад қилди. Фойданинг қарийб 20 миллион сўми хайр-эҳсон ишларига сарфланди. Фермер хўжалиги томонидан тумандаги иккита маҳаллага артезиан қудуқлари қазиб берилиб, 7 миллион сўм сарфланди. Жамоа ўн нафар иқтидорли ёшларга олий ўқув юртларида билим олишлари учун кўмаклашиб, контракт пулларини тўлаб бормоқда.

Фермер хўжалиги кенгайиб, кўп тармоқли фирма очилди. Унда юздан ортиқ киши меҳнат қилаётир. Савдо маркази очилган. Бу ерда тикув цехи, сартарошхона, гўшт дўкони ва бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Бугунги кунда сутни қайта



ишлаш заводи, колбаса, макарон, музқаймоқ, металл-черепица ишлаб чиқариш цехлари, Хитой тегирмони ва бошқа тармоқлар вужудга келтирилмоқда. Бундан ташқари 500 бош қорамолга мўлжалланган молхона қурилиши ҳам жадал суръатларда олиб борилаяпти. Бу ишларни амалга ошириш учун юз миллион сўм сарфланиши кўзда тутилган. Ҳозир ана шу ишларнинг қарийб етмиш фоизи амалга ошириб қўйилган.

Мамлакатимизда ёшлар спортига алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли фермер хўжалиги бу ишга ҳомийлик қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Ёшлар спорт мажмуасини қуриб бериш учун 90 миллион сўм маблағ сарфлашни фермер хўжалиги ўз зиммасига олди.

Мана шундай катта ишларни амалга оширишда Баҳромжонга механик Қудрат Ғаниев, тракторчи Чори Исмоилов, молбоқар Оқбой Алиқулов, бош ҳисобчи Аҳмад Шукуров, ёрдамчилари Абдуғани ва Баҳриддин Диловлар яқиндан кўмаклашишмоқда.

-Бир ўзим бундай катта ишларни ҳеч қачон амалга оширолмайман. Жамоа аъзолари менинг суянган тоғим. Улар билан ҳар қанча фахрлансам арзийди, - дейди Баҳромжон.

У "Ташаббус-2002" кўрик-танловининг Республика босқичида қатнашиб, "Маҳаллани обод этишга энг кўп ҳисса қўшган тадбиркор" йўналишида лауреатлик дипломи ва эсдалик совғаси билан тақдирланди. Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн икки йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига мувофиқ "Меҳнат шуҳрати" ордени билан мукофотланди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партиясини тузиш ҳаракати ташаббус гуруҳи йиғилишида, Президентимиз билан учрашувда иштирок этди ва Юртбошимизнинг нутқини эшитиб, ундан катта таассуротлар олди. Шу партиянинг таъсис съездида делегат сифатида қатнашди ва унинг раҳбар органларига сайланди.

Деновлик тадбиркор Баҳромжон Дилов элим деб, юртим деб ёниб яшашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Шахсий ҳаловатидан кечган ҳолда олға ҳаракат қилмоқда. Биз ҳам унинг кўзлаган эзгу ниятларига эришишини тилаб қоламиз.

**Хуррам РАЙИМОВ,**
**журналист.**

ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ШЕВАРДНАДЗЕ ИСТЕЪФОДА

***Грузия мухолифатчилари таъсири туфайли Эдуард Шеварднадзе президентлик лавозимидан истеъфога чиқди. Грузия конституциясининг 74-моддасига биноан президентлик мажбуриятларини вақтинча парламент спикери Нино Буржанадзе бошқарадиган бўлди.***



Нино Буржанадзе мамлакат аҳлига мурожаат қилиб, улардан фаолияти тўхтаб қолган барча ташкилот ва муассасаларда бугунданоқ иш бошлашларини илтимос қилди. Шунингдек, у мамлакат конституцияси асосида қайта президентлик сайлови ўтказилишини ҳам айтиб ўтди. Шу билан бир қаторда грузин мухолифати лидерларидан бири Зураб Жвания мамлакат президенти истеъфога чиққан кундан бошлаб 45 кундан сўнг қайтадан парламент сайлови ўтказишни таклиф этди.

Грузиядаги янги бошқарувни биринчи бўлиб АҚШ тан олди: АҚШ давлат департаменти Грузияда демократия тинч йўл билан қарор топишига ишонишини ва бу борада кўмакка тайёр эканлигини маълум қилди. AFP ахборот агентлигининг хабарига кўра, АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Грузиянинг собиқ президенти Эдуард Шеварднадзега қўнғироқ қилиб, мамлакат сиёсати инқирозга юз тутаётган бир вақтда унинг мамлакатда тинчликни сақлаш йўлида амалга оширган бундай ҳаракатини қўллаб-қувватлаган.



Россия ҳам бу ўринда Шеварднадзенинг қарорини энг тўғри йўл деб билди. Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири Игор Иванов Аджария лидери Аслан Абашидзе билан Батумида ўзаро суҳбат ўтказди. Унда Игор Иванов Россия Грузиянинг ички ишларига аралашмаслиги, лекин барча жараёнлар конституциядан четга чиқмаган ҳолда ҳал этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтди.

Мамлакат собиқ президентига келсак, у ўз истеъфоси олдидан журналистларга шундай деган: "Мен ҳеч қачон ўз халқимни сотмаганман ва бу истеъфом шундан далолат бўлса керак. Мен бундан хафа эмасман. Менинг ҳали қиладиган бошқа ишларим кўп. Энг асосийси, мен соғ-саломат ва тирикман, демак, ниманидир қилишга ҳали улгураман".

## ТИЛСИЗ ЁВ

***Душанбага ўтар кечаси Москвадаги Патрис Лумумба номидаги Халқлар Дўстлиги университети ётоқхонасида кучли ёнғин содир бўлди.***



Аниқланган маълумотларга кўра, тутундан заҳарланиш ва куйиш оқибатида 28 нафар хорижлик талаба вафот этган, 127 нафар талаба турли кўринишда жароҳат олган. Россия Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ИТАР-ТАССга берган хабарларига қараганда, тунги соат 02:50 да ёнғиндан далолат берувчи сигнал келиб тушган. 5 қаватли ётоқхонадаги ёнғин тонгги соат бешларда бартараф этилган. Ётоқхона талабалари уйқуда бўлганлиги сабаб ёнғин кучайиб улгургунча сезишмаган ва оқибатда ёнғин эгаллаган майдон 1000 квадрат метрга етган. Талабаларнинг аксарияти ёрдам кучларини кутмасдан деразадан пастга сакрашган ва кўпчилиги ҳалок бўлган.

Ҳалок бўлган, талафот кўрганлар орасида Хитой, Бангладеш, Вьетнам, Нигерия ва Африка қитъаси бир қатор давлатлари фуқаролари ҳам бор. Москва мэри Юрий Лужков телевидениеда чиқиш қилиб, "Айни дамда биз фожиа сабабларини аниқ билмаймиз, лекин ёнғин иситиш мосламаларидан чиққани ҳақиқатдан йироқроқ", деб айтди. Москва мэри ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари университет ётоқхонасида юз берган фожиа сабаби ўрганилаётганини таъкидлаб, ҳалок бўлганларнинг яқин қариндошларига ҳамдардлик билдирди.

## НАВБАТДАГИ ХУРУЖ

***Истамбул шаҳридаги HSBC банки ва Британия элчихонаси ёнида юз берган икки портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 27 кишига етди.***

Ушбу террактни "Ал-Қоида" ва Турк радикал гуруҳи ўз бўйнига олишди. Пайшанба куни эрталаб маҳаллий вақт билан соат 11 да кўп қаватли Левент савдо марказида жойлашган HSBC банки олдида кучли портлаш юз берган. Ҳеч қанча вақт ўтмай Бейогли савдо марказида жойлашган Буюк Британиянинг элчихонаси биноси ёнида иккинчи портлаш овоз берди. Бинолар жиддий талафот кўрган. Портлаш кўчада ҳаёт қайнаган вақтда юз берганлиги сабаб 27 киши ҳалок бўлиб, 400 га яқин киши турли даражада яраланган. Портлаш юз берган вақтда Британия консули Роджер Жорж ҳам вафот этган. Суриштирувлар натижасида аниқ бўлдики, икки бино олдида юк машинаси келиб тўхтаган ва портлаш содир бўлган. Юк машинаси ичидаги икки камикадзе ҳам ҳалок бўлган.

Бундан бир қанча муддат илгари яҳудийлар синагогида юз берган фожиадаги сингари бу сафар ҳам "Анатолу" турк ахборот агентлигига номаълум шахс қўнғироқ қилиб, хуруж "Ал-Қоида" ва турк экстремистик гуруҳи "IBDA-C" томонидан уюштирилганлигини маълум қилган.

Буюк Британия ва АҚШ ҳукумати Туркияда мавжуд ваколатхоналарини огоҳликка даъват этиб, бундай хуружлар ҳали давом этиши мумкинлигини айтди.

## ЯНА ПОРТЛАШ

***Бағдоддан 60 чақирим узоқликдаги Бакуба шаҳрида жойлашган полиция маҳкамаси ёнида катта миқдордаги портлатиш мосламалари жойлаштирилган юк машинаси портлаб кетди.***



Ҳалок бўлганларнинг аксарият қисми маҳаллий полициячилар эди. Тез ёрдам ва ўт ўчириш ходимлари фожиа содир бўлган жойда ўз вазифаларини адо этаётган чоғда, қўшни Хан-Бани-Саад шаҳридаги одамлар билан гавжум бозор ёнида террорист-камикадзе томонидан навбатдаги портлаш юз берди. Икки фожиа оқибатида 15 киши ҳалок бўлди, 50 нафарга яқин одам яраланди. Энг ачинарлиси, вафот этганлар орасида 6 ёшли қизча ҳам бўлган.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.**

ҚЎЛЛАНМА

***Яқинда Республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш асослари" ҳамда "Тугатилаётган қишлоқ хўжалик корхоналар негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш ва уларга хизмат қилувчи инфратузилма объектларини барпо этиш бўйича услубий тавсиялар" деб номланган китоблар нашр эттирилди.***

## ҲУЖЖАТЛАР ТЎПЛАМИ

Мазкур қўлланмаларга қишлоқ хўжалиги ходимлари учун амалиётда фойдаланишда зарур бўлган муҳим меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар, яъни ширкат, фермер хўжаликлари ва уларга хизмат кўрсатувчи муқобил МТП ҳамда СФУларнинг намунавий низомлари, барча турдаги шартномаларнинг намуналари, фермерликка даъвогар шахслар учун танлов ўтказиш тартиблари киритилган.

**Соҳибжон АКРАМОВ**

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

BANK

*Азиз юртимиз аҳли ва меҳмонларини Муқаддас Рамазон ҳайити айёми билан самимий муборакбод этади.*

Сизларга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилаб, янги "Байрам туҳфаси" – қисқа муддатли, ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари 100 кун муддатга, камида 5000 сўм микдорида Халқ банкининг барча муассасаларида қабул қилинади.

Сиз омонатингизга ҳисобланган юқори фоизли даромадларни олиш билан бир қаторда 1000000 сўмлик ютуқ совриндори бўлиш имкониятига эгасиз.



Мурожаат учун телефонлар: 173-69-15, 179-69-16 (ички 126, 111, 109).

ХАЛҚ БАНКИ - АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ САҚЛАНИШИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН ЯГОНА БАНКДИР!

"ЎЗПАХТАСАНОАТ" УЮШМАСИ

маъмурияти 2004 йил кўкламида экишга мўлжалланган дориланган уруғлик чигитни қадоқлашда керакли бўладиган

крафт қоғоздан тикилган қоплар

учун талаб эълон қилади.

*Ушбу масала бўйича "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг тендер Комиссиясига мурожаат қилишингиз мумкин.*

**Уюшма маъмурияти.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Носир кўчаси, 8а уй, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси, тел: 120-42-42, 120-42-11, 120-42-22.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛИДАГИ ИЛМИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

«PAXTASANOATILM»

АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

ОАЖШ "Paxtasanoatilm"Кузатув кенгаши 2003 йил 12 декабр соат 14-00 да Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани Усмон Носир кўчаси 8-уйда жойлашган илмий ишлаб чиқариш маркази биносининг катта мажлислар залида акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КУН ТАРТИБИ

1. Жамиятнинг Устав фондини қайта кўриб чиқиш.
2. Жамият Уставининг янги таҳририни тасдиқлаш.
3. Жамият номига ўзгартириш киритиш.
4. Бошқа масалалар.

Қўшимча маълумотлар учун тел: 56-04-21

**Самарқанд шаҳридаги Н.Ҳожиев номли бозор очиқ акциядорлик жамиятининг аффиланган шахслари рўйхати:**

| Т/р | Ф.И.Ш. | Акциялар сони | Устав жамғармасига нисбатан фоизи |
|---|---|---|---|
| 1. | Аҳмедов З.Р. | 65 | 0,31 |
| 2. | Ходжаев А.Н. | 6000 | 28 |
| 3. | Муродов М.Б. | 10 | 0,047 |
| 4. | Ҳусаинов Р. | 5 | 0,023 |
| 5. | Ходжиев А.Х. | 50 | 0,23 |
| 6. | Азимов Э. | 24 | 0,011 |
| 7. | Камолов Ш.Б. | 10673 | 51 |
| 8. | Ходжаева Х.Н. | 1500 | 7,16 |
| 9. | Ходжаев А.А. | 1000 | 4,77 |
| 10. | Ходжаев А.А. | 1000 | 4,77 |
| 11. | Ходжиев Ш. | 10 | 0,047 |
| 12. | Ходжиева У. | 10 | 0,047 |
| 13. | Ходжиев Х. | 20 | 0,94 |
| 14. | Ходжиев Д. | 10 | 0,047 |

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Бирлик" хусусий корхонаси (ОКОНХ-62140) тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.Тел:62-962.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ томонидан 2001 йил май ойида "Абдураҳим-коммуналчи" уй-жой мулкдорлари ширкатига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный аттестат № 970884, выданный средней школой № 129 г.Ташкента в 1975 году на имя Глазуновой Наталье Петровне, считать недействительным.

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида яшовчи Маматкаримова Шаҳрибонга тегишли 1978 йилда ишлаб чиқарилган, двигатель рақами 3217896, кузов рақами 0242629, давлат рақами С 6680 ТШ бўлган, ВАЗ-2106 русумли автомашинага расмийлаштирилган ГЕ 790891 рақамли техник паспорт йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 25 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1Австралия доллари | 707,00 | 1 Польша злотийси | 248,74 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1665,89 | 1 СДР | 1410,22 |
| 1 Дания кронаси | 156,51 | 1000 Туркия лираси | 0,67 |
| 1 БАА дирхами | 266,03 | 1 Швейцария франки | 752,39 |
| 1 АҚШ доллари | 977,06 | 1 ЕВРО | 1163,68 |
| 1 Миср фунти | 159,39 | 10 Жанубий Корея вони | 8,12 |
| 1 Исландия кронаси | 13,09 | 10 Япония иенаси | 89,76 |
| 1 Канада доллари | 750,20 | 1 Россия рубли | 32,79 |
| 1 Хитой юани | 118,05 | 1 Украина гривнаси | 183,25 |
| 1 Малайзия ринггити | 257,15 | | |

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

